

# Ислом КАРИМОВ

(ҳозир Қашқадарё вилоятига қарашли) тузилган эканлар. Бобом 1941 йилда қатого қилиниб, қамоққа олинган. Бобомнинг кейинги наслтаджиди ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мустанилик туфайли қатого қилинган беғуноҳ инсонларнинг номлари оқлаётганига Бобомга тегишли бўлган барча маълумотларни олишда ёрдам беришларнингизни эътиборимдан сўрайман.



НАЗОРАТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисидаги «Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови» мавзусидаги маърузасида кўтарилган масалалар бугунги куннинг энг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири десак, муболага бўлмайди. Республикаимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор қарор ва қонунлар қабул қилиниши ҳам юртбошимиз таъкидлаб ўтган тадбиркорлик руҳини қарор топтиришга қаратилган. Зеро, даврнинг ўзи биздан тадбиркорликни талаб этмокда.

Шу боис ҳам кейинги пайтда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳақида тез-тез гапирилмокда. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш эса ҳуқуқ-тартибот, хусусан прокуратура идоралари зиммасига улкан масъулият юклайди.

қовнинг чорвачиликни ривожлантириш учун 1,5 миллион сўм кредит ажратиш тўғрисидаги аризаси негадир «Ўзтадбиркорбанк» маъмурияти томонидан ҳеч қандай сабабларсиз ижобий ҳал этилмай келинган. Фақатгина Республика прокуратурасининг аралашуvidан сўнг хусусий тадбиркорга «Имтёзли кредитлаш махсус жамғармаси»

юретиши оқибатида фермер хўжаликларининг қонун билан қафолатланган ҳуқуқлари очичдан-очик поймол этилган.

Гулистон туманидаги А.Носиров номили деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарлари «Ҳолиқбой ота» хусусий чорва фермасининг 20 гектар майдондаги беда экинларини ўзбошимчалик билан шудгор қилдириб ташлаган. Оқибатда хўжаликка 6,2 миллион сўмлик зарар етказилган.

Жойлардаги аксарият ҳокимлик идораларининг қонунга зид қарорлари асосида деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағлар асоссиз равишда турли жамоат ташкилотларига ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказилиши ҳеч бир қоилага сиймайди ҳолатдир. Биргина Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жойлардаги нодавлат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаолиятларига қонунсиз аралашувлари натижасида жами 20 миллион сўмлик зарар етказилган.

Масалан, Гулистон шаҳар ҳокимининг қарори билан шаҳардаги 30 та нодавлат шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга «Гулистон» футбол жамоасига таъсисчи ва

ҳисобидан кредит ажратилди.

Айрим вилоятларда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларида ер майдони ажратишда қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани ҳокимининг қарори билан «Ал-Холмурод» фермер хўжалигига 10 гектар ер ажратилган. Бироқ М.Жўраев номили жамоа хўжалиги раҳбарияти туман ҳокимининг ушбу қарорига бўйсунганини эп қўрмай, фермерга бор-йўғи 3,5 гектар ер беришни лозим топган.

Худди шунга ўхшаш воқеа бу хўжаликда ягона эмас экан. Хўжаликда ташкил этилган «Муҳаммадқарим» ва «Янгилик» фермер хўжаликлари 5 гектардан, «Жаҳонгир-Раҳмат» фермер хўжалигига 12 гектар, «Марғумон» фермер хўжалигига 1 гектар ер майдонлари кам ажратилганлиги аниқланиб, чегириб қолинган майдонлар фермерларга тўлиқ қайтарилишига эришилди.

Бундан ташқари айрим хўжалик ва фермерлар уюшмаси раҳбарларининг ўзбошимчалик билан иш

ҳомийлик ёрдами кўрсатиш учун жорий йилнинг 1-ярмида жами 5 миллион сўм пул маблағи ўтказиб

**Республика прокуратураси идоралари томонидан жорий йилнинг 1-ярмида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 29 та жиноят иши кўзга тилиб, 35 та протест, 124 та тақдиминома ва 68 та амрнома киритилган. Қонун бузилишига йўл қўймаслик хусусида 189 нафар шахс огоҳлантирилган, 191 та шахс эса маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилиб, судларга 1268,7 минг сўм зарарни ундириш юзасидан 33 та даъво аризалари киритилган.**

бериш юклатилганлиги аниқланган. Янгиер шаҳар ҳокимининг қарори билан эса турли мулк шаклидаги 85 та корхона ва ташкилотларга 6,8 миллион сўмлик пул маблағларини «Темирйўли» ва «Янгиер-2001» футбол жамоаларига ўтказиб бериш тўғрисида кўрсатма берилган. Қайд этилган туман ва шаҳар ҳокимликларининг ўзбошимчалик билан қабул қилган қонуний қарорлари прокурорлар протестларига асосан бекор қилинди.

**Одилбек РЎЗМЕТОВ,**  
Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси катта прокурори

МАДАТТАЛАБ МАКТУБ

# ФЕРМЕРЛАРНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

Биз, фермерлар, Президентимиз Ислам Каримов ғамхўрликларидан руҳланиб халқимиз ва давлатимизга нафимиз тегсин, деган умидда турли муддатларда фермер хўжаликлари ташкил этган эдик.

Майдонга тушган, бор имкониятни ишга солиб ҳаракат қилдик, натижалар ёмон бўлмади. Экин майдони ва дарахтларни сугориш учун туман сув хўжалиги бўлимидан бизга лимит ажратиб бериб келинмокда эди. Аммо бу йилги манзара бошқача кечмокда. Баҳорда сув танқислиги анча сезилди. Лекин ҳозирги пайтда сув етарли оқаяпти. Шунга қарамасдан айрим раҳбарларнинг фермерларга сув бериш истаги йўқ. Биз бу масалада туман ҳокимлиги, сув хўжалиги, фермерлар уюшмаси, хўжалик раҳбарларига бир неча маротаба мурожаат қилдик. Сув хўжалигига-ку боравериш чарчадик. Туман прокурори билан бўлган очик мулоқотда ҳам бу масала кўтарилган эди. Гапнинг қисқаси, улар масалани бир-бирига ағдаришдан нарига ўтишмаяпти.

Бизлар ариқларга тикилиб кун ўтказаямиз. Бир ёқдан ҳаво иссиқ, экинларни сугориш керак. Вақтимиз сувнинг кетидан юриш билан ўтаёпти. Тунлари билан ухламай сув пойлаймиз.

Сув олгудек бўлсак 1-2 соатдан кейин тўғонлар туширилиб, тўхтатилади. Келсанг, ҳоким сув бермайсан, деди, текширувчи келаяпти, деган гаплар.

Ҳосил кун санайди, эртага кеч бўлади. Шундай экан биз солиқлар ва бошқа тўловларни нима ҳисобидан тўлаймиз? Кўрган зарарларимизни ким тўлайди? Қачонгача гоҳ у хўжалик, гоҳ бу хўжалик ариғига тикилиб ўтирамиз? Фермерни ким ҳимоя қилади? Яшиямки тадбиркорлар шахсан Президентимизнинг назорати остида турибди. Бўлмаса билмадик, фермерларнинг ҳоли не кечарди.

Фермер хўжалиги тан олиниб, унга белгиланган режа асосида сувга лимит берилса, уни мазкур ҳудуддаги барча раҳбарлар тан олиб бажарсин. Йўлимиздаги тўсиқларга барҳам берилиб, сув хўжалиги ходимлари бизга етказган зарарлари учун қонун олдида жавоб берсинлар.

Сизлардан ушбу масаланинг ижобий ҳал этилишида ёрдам беришларингизни кўтиб қоламиз.

**Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидаги «Умурзоқов», «Аҳмадиев», «Нишонбой ота», «Даврбек», «Зокиржон», «Боғу бўстон», «Бўстон» фермер хўжаликлари бошлиқлари**

# ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ

Республика прокуратураси идоралари томонидан 2001 йил биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолиятида вуҷудга келаётган қонунбузарлик, тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мунтазам равишда текширишлар ўтказилиб, тегшли чоралар кўрилмокда.

Авалло шунинг айтиб ўтиш жоизки, қонунийлик аҳоли ҳақидаги маълумотлар таҳлили ва ўтказилган текширишлар натижалари тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат

**2001 йил 1 июль ҳолатига кўра республика ҳудудида 24221 та кичик ва 7443 та ўрта, 157838 та микрофирмалар рўйхатга олинган. Ҳозирги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони 189502 тани ташкил этган. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга 55,2 миллиард сўмлик кредит берилган.**

қарорларининг ижроси жойларда лозим даражада бажарилмаётганлигини кўрсатади.

Хусусан, Наманган вилоятининг Косонсой туманида фаолият кўрсатётган хусусий тадбиркор С.Узо-

ланиб, чегириб қолинган майдонлар фермерларга тўлиқ қайтарилишига эришилди.

Бундан ташқари айрим хўжалик ва фермерлар уюшмаси раҳбарларининг ўзбошимчалик билан иш

ЭЪТИРОФ

# ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ЮТАДИ

нишонланаётган йилда деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигимиз меҳнаткашларининг қўллари баланд келди. Давлатга дон сотиш бўйича йиллик режамизни шараф билан адо этдик, мавжуд 10 гектар майдонимизнинг ҳар гектаридан 82 центнердан сара бугдой етиштирдик. Давлатга 28 тонна бугдой сотдик.

1992 йилда ташкил топган фермер хўжалигимизнинг умумий майдони 22 гектардан иборат бўлиб, унда 18 киши меҳнат қилади. Ўтган йили 17 млн. сўмлик соф фойда олдик. Жорий йилнинг ўтган олти ойида чорвачилик бўйича ҳам қўзланган натижага эришдик. Ишлаб чиқарилган 114 тонна сўт маҳсулоти ўзимизнинг кичик цехимиз-

да қайта ишланиб, харидорларга етказиб берилди.

Хўжалигимиздаги меҳнаткашларнинг ўртача иш ҳақи 18-20 минг сўмга тўғри келади. Фойдадан 18-мактабга ҳомийлик тариқасида 500 минг сўм ажратдик.

Фермер хўжалигимиз ютуқларини кўпайтириш, тадбиркорлар, фермерлар фаолиятини ўрганиш

мақсадида шу йил АҚШга бордим. Вашингтондаги Мерлинг университетига ўқиб, ҳамкасбларимиздан иш ўрганиб қайтдим. Ўзaro тажриба алмашдик. Бунда менга асли қасбим инглиз тили ўқитувчиси эканлиги жуда қўл келди. Ўзимни қизиқтирган ҳар бир нарса ҳақида сўраб, билиб олдим.

**Ёкуб ФАТТОВ,**  
Бухоро вилоятидаги фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳиб



Бозорлар юрт кўрки.

Деҳқоннинг ҳар бир кун, ҳар бир тунини табиат синовдан ўтказди. Айниқса, бу йил сув тақчиллиги, об-ҳавонинг исиб кетиши туфайли тупроқ ва ҳавонинг намлиги кескин пасайди. Лекин ўз вақтида агротехник тадбирларни ўтказишимиз, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишимиз, «шарбат» усулини кенг қўллашимиз хирмонимиз салмогини сақлаб қолди.

Мустақилликнинг ўн йиллиги



## САҲИФАЛАРИМИЗДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

# ОДИЛЛИК ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Бухоро вилояти прокурори  
Шуҳрат МУҲАМЕДОВ  
билан суҳбат

## ШАРҚ ТУМОРИ

Сен-ку менсиз яшайверасан,  
Менга сенсиз қашмақ душвор.  
Жонимнинг жон риштасидирсан,  
Эй, Бухоро — жонга-жон диёр.

Иқлимлар кўп очунда, аммо,  
Сен айрича қадим маъносан.  
Бани башар боқар маҳлиё,  
Шарқ тумори — сирли дунёсан.

Гар санасам орифларингни,  
Лозим эрур қирқ кеча-кундуз.  
Шарифлару зарифларингни  
Таърифуға етмағайдир сўз.

Абдухлоқ Ғиждўвонийни  
Темур бобом пир билгани рост,  
Баҳовуддин Нақшбандийни  
Олам аҳли Нур билгани рост.

Ал-Бухорий «Ҳадис»ларидан,  
Русулаллоҳ боқсалар не тонг.  
Ибн Сино «Аш-Шифо»сидан  
Дарға малҳам боссалар не тонг?!

То ҳанузким Маҳмуд Торобий  
Жасорати дoston тилларда.  
«Бирлашнинг», дер Турди Фароний  
Хитоб айлаб туркий элларга.

Қонсўр жаллод нишонга олиб,  
Ўқ узаркан қиссанча кўзин.  
Буюк Фитрат кафтиши тилиб,  
Езган экан «Озодлик» сўзин...

Инқилобман, деган ҳийланнинг,  
Келди сирин ошкор этарга.  
«Юртим» деган мард Файзуланинг,  
Нидосидан чуқкан «Бутирка...»

Айтаверсам оқиб келади  
Рангин-рангин ҳаяжон, ҳислар.  
Тонг нуридай балқиб келади  
Ифор-ифор дураҳшон сўзлар.

Шундай улуг юртсанки, шахрим,  
Меҳробдирсан аҳли муслимга.  
Истиқлолга таъзим, эй наҳрим,  
Қайтганинг-чун қадим аслинга.

Тошпўлат АҲМАД

— *Истиқлолнинг ўн йиллик тўйини нишонлашимизга ҳам саноқли кунлар қолди. Биз мана шу кунларга санани жаҳон кўз ўнгига ёғуғуз билан тантана қилишга тўла ҳаққимиз. Шундай эмасми?*

— Тарих учун мустақил Ўзбекистоннинг 10 йиллиги оний лаҳзаларга тенгдир.

Мустақиллик, ҳурлик билан боғлиқ тушунчалар инсонни фақат эзгуликка ундайди. 130 йиллик истибод ва ҳурлик учун ҳам шундай қилишимиз зарур. Президентимизнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашилади, деган гапини шундай тушунаман. Бу ҳурликни ёмон кўзалардан асраш, ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларнинг осон кечмагани ҳали халқимиз хотирасидан кўтарилгани йўқ. «Қизил империя»дан қолган машъум мерос — иқтисодий парокандалик, кишилар тафаккурдаги номутаносибликларга қарамай қисқа давр ичида бугунги тараққиёт даражасига чиқишнинг ўзи бўлмади.

Бунда, албатта, халқимизга хос бўлган фазилятлар — сабр-қаноат, мардлик ва матонат муҳим ўрин тутди.

«Биз озодлик қон тўкмасдан эришдик», — деган эди Президентимиз Ислам Каримов мамлакат Олий Кенгашининг 1992 йил июл ойида бўлиб ўтган X сессиясидаги маърузасида. — Аммо бу — ҳақиқий мустақиллик курашсиз ва меҳнатсиз қўлга киритилди, — дегани эмас. Мустақиллиқни ҳимоя этиш, мустақиллиқни мустаҳкамлаш ҳам зарур.

Биз озод, эркин яшашга муносиб миллат эканлигимизни амалда исботладик. Юртимизда ислохотларнинг демократик асосларда ривожланишини кафолатлайдиган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди.

— *Истиқлол, ислохотлар, демократия, инсон ҳуқуқлари устуворлиги — буларнинг барчаси замирида инсон манфаатлари, Ватан тараққиёти ётади. Табиийки, бу жараён назорат орали бўлган прокуратура зиммасига улакан масъулият юклайди...*

— Дарҳақиқат, бугунги изчил сиёсат, саъий ҳаракатлар замирида ривожланган давлатларга хос фаровон турмуш тарзи таъминлангани демократик ривожланиш йўлини қатъий давом эттиришдек эзгу мақсад ётади. Ислохотларимизнинг бугунги босқичида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг барча бўғинларда сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш вазифаси турибди. Бу юртбошимиз эътироф этганидек, биринчи навбатда қонунни ҳимоя қилувчи ва унинг ижроси назоратини таъминловчи идораларга тааллуқлидир.

Ўтган давр мобайнида демократик тамойиллар сари дадил қадам ташланди. Бу прокуратура ходимлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топомқда.

— *Шуҳрат ака, шу ўринда вилоят прокуратураси томонидан олиб борилаётган ишлар, уларнинг самаралари ҳусусида тўхталиб ўтсангиз.*

— Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида вилоят прокуратураси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг саъий ҳаракатлари натижасида вилоятда 2001 йилнинг биринчи ярмида умумий жиноятчилик 3,4 фоизга камайдди. Лекин айрим турдаги жиноятлар содир этилиши нисбатан ошганлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Бунга жойларда профилактика тадбирларнинг етарли даражада олиб борилмаганлиги, шунингдек, ички ишлар идоралари томонидан жиноятларни ҳисобдан яшириш каби ҳолатларга йўл қўйилиши асосий сабаб бўлмоқда.

Прокуратура ходимларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоат ташиқлотлари билан ҳамкорликда самарали фаолият кўрсатганликларини алоҳида қайд этиш лозим.

— *Вазирлар Маҳкамасидан 2001 йил ярим йиллик якуналарига бағишланган йилгида Президентимиз кўтарган масала доирасида энг долзарб вазифалардан эканлиги айтилган ҳақиқат.*

— Дарҳақиқат, юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил ярим йиллик якуналарига бағишланган мажлисида қилган маърузаларида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик муаммолари, уни ривожлантириш имкониятларига бежиз тўхталмадилар. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожининг аҳамияти шундаки, бунга эришиш билан биз мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини ҳал этамиз. Ўз навбатида бу орқали одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати, тафаккур тарзи, дунёқарашини ҳам ўзгартаришга эришган бўлаемиз.

Фермер хўжалиқларини, тадбиркорларини, кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятимизда 4294 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Унинг 3884 нафари деҳқончилик, 410 нафари чорвачилик

билан машғул. Бугунги кунда уларда жами бўлиб 30996 киши меҳнат қилади.

Шуни тан олиш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар иш услубига етарли даражада таъсир кўрсатмапти. Ислохотларнинг самараси деҳқонга, деҳқон хўжалигига, фермер, ширкат хўжалигига нақадар эркинлик берилишига, уларда ерга эгаллик ҳисси шаклланишига боғлиқлигини унутмайлик. Бунинг учун эса қонуний асослар етарли.

— *Жиноятчилик аҳолини ўрғанар эканмиз, содир этган жинояти учун жазони ўтаб қайтган шахсларнинг такрор жиноят кўчасига кириб қолаётгани каби ачинарли фактларга ҳам дуч келамиз. Сизнингча, бунинг асл сабабини нималардан қидириш лозим?*

— Ҳаёт сўкмоқлардан иборат. Ҳар бир инсон унда қоқилиши, тўғри йўлдан адашиши, хатога йўл қўйиши мумкин. Қилмишига яраша жазони ўтаб қайтган кишининг эса қўп қатори яшашга ҳаққи бор. Муқаддам судланган шахсларга нисбатан эътиборни ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг, балки ҳар биримизнинг муҳим вазифаси бўлиши керак. Такрор айтаман, бундай шахсларга нисбатан инсонийлик нуқтаи назаридан эътиборни озгина қўллаб-қувватлаш kifойа. Шу йўл билангина уларни яна жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб қолишига эришиш мумкин.

Кейинги йилларда жазони ўташ жойларидан қайтган шахсларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, турар жой билан таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи қонунлар ижроси устидан назорат тубдан яхшиланди. Эндилдики шахар ва туман прокурорлари бундай шахсларни шахсан қабул қилиб, улар билан профилактик суҳбатлар ўтказиб, муаммоларини ҳал этишга ёрдам бераптилар. Натижада кейинги йилларда вилоятда рецидив жиноятчилик сезиларли даражада камайдди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик-барқарорликни сақлаш, кўз қорачиғидай асраш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади.

— *Мухтасар суҳбатимиз сўнгига юртдошларимизга кутлуғ айём арафасидаги тиллақларингиз.*

— Юртбошимиз эътироф этганларидек, «Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб келдик. Ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир». Шундай экан, тинимсиз изланиш, қайси касб ёки вазифада хизмат қилмайлик, қонунбузарликка мurosасизлик, Ватан равнақи йўлидаги фидойилик туйғулари доим ҳар биримизга ҳамроҳ бўлсин.

Суҳбатдош Бобоқул САИДОВ





ЯШИЛ БОЙЛИК

Инсон — табиат фарзанди. Лекин бу ҳикматнинг маъноси нини жуда кеч англаб етамиз. Шундай ёнимизда оқиб турган ариқнинг, дарвозамиз олдидаги кўркам дарахтнинг кадрилини ариқ куриган, дарахт эса кесиб ташланган пайтдагина хис етамиз.

Ер бағрида инсон учун зарур бўлган жами неъматлар мавжуд. Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95 фоизи сугориладиган ерлардан олинади. Сув ресурсларининг 85 фоизи ана шу қишлоқ хўжалик экинларига сарфланади. Бир сўз билан айтганда, республикамиз аҳолисини озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашда сугориладиган ерларнинг аҳамияти катта.

Албатта, мустақил юртимизда амал қилаётган «Ер кодекси», «Табиатни муҳофаза қилиш», «Ер ва сувдан фойдаланиш», «Ер ости бойликлари тўғрисида»-ги қонунлар ҳаётимиз манбаи бўлган ер, сув ва бошқа табиат бойликлари табиий муҳофаза қилишга қаратилган. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий заҳиралардан фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури тadbик этилди.

Аммо, шунга қарамайдан базиси жойларда ер, сув ва бошқа табиат бойликларида хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

ва ташкилотларга қўлланган тўловлар ундирилиши таъминланган.

Турли ишлаб чиқариш, транспорт корхоналарининг атроф муҳитни, ҳавони ифлослантиришдаги «улуши»ни яхши биламиз. Айни пайтда бундай корхоналарда атмосферики бузадиган заҳарли чиқиндиларни камайтириш, зарарсизлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиши зарур.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонун талаблари ҳам шунини тақозо этади. Бир қатор корхона ва ташкилотларда экологик муҳофазани ташкил этиш, табиатни асраш ишлари аро йўлда қолиб

дек, иш қўрилишида мазкур Кодекснинг 308-моддаси талаблари асосида баённома юритилиши, текшириш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш хусусида берилган талабномаларнинг амалда бажарилиши назорат олиниши керак. Бироқ бу талабларга бир қатор туман табиатни муҳофаза қилиш идоралари амал қилишмаяпти. Қўрилган таъсир чоралари натижада бундай нуқсонларга чек қўйилди.

Шунингдек, Ғиждувон туманидаги қуйидаги ҳолат киши таъбини хира қилади. Халқобод ширкат хўжалиги 11-бригадасида яшовчи Лутфулла Тилово ҳўжасиз қурол олиб юриб, қонунбузарликка йўл қўйган. Бунга жавобан вилоят ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш нозирлиги бош давлат нозир Д.Қурбонов томонидан баённома тузилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 90-моддаси билан унга 4900 сўм жарима солинган. Ов милтиги олиниб, туман ички ишлар бўлимига топширилган.

Аслида мазкур ҳолатда ЖКнинг 248-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд. Тегишли рухсатномасиз ўқ отар қурол олиб юриш ва сақлаш жиноят ҳисобланади. Л.Тиловонинг ҳатти-ҳаракатини маъмурий ҳўқуқбузарлик сифатида баҳолаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам туман прокурори вилоят ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш давлат инспекциясининг қарорига протест киритди. Оқибатда фуқаро Л.Тиловога нисбатан

чиқарилган маъмурий жазо бекор қилинди. Унинг қилмишига яраша жиноят иши қўзғатилиб судга оширилди. Одил суд айбловни маъқуллаб, жиноятга яраша жазо қўлади.

Ушбу хилдаги қонунбузилиш ҳолатлари текшириш ўтказилган Вобкент, Бухоро, Олот, Қоровулбозор туманларида ҳам мавжудлиги ташвиш уйғотади. Тегишли тартибда қўлланган прокурор таъсир чоралари уларни бартараф этишга ёрдам берди.

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дунё миқёсидаги муаммага айланиб қолди. Ҳўш, экологик муаммоларни ҳал қилишнинг асосий омиллари нимадан иборат?

Аввало, экологик ҳўқуқни кишилар, айниқса, ёшлар онгига синдириш жуда муҳим. Мактабларда, ўқув юртиларида бу фанни ўқитишга эътиборни ошириш зарур. Табиатни муҳофаза қилиш бошқармасининг тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтириш ҳам аҳамиятлидир. Шунингдек, экологик хавфсиз технологияларни жорий этиш, зарарли моддаларни қўлаш устидан назоратни кучайтириш ҳам талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар биримиз бу муҳим ишда иштирок этишимиз, қатъий, талабчан, фидойи бўлишимиз шарт. Сир-синоатга бой мўъжизавий табиат олдидаги инсонийлик бурчимизни унутмайлик.

Саид ШОДИЕВ,  
Бухоро вилоят  
прокуратурасининг  
умумий назорат бўлими  
бошлиғи

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

# ИСЛОҲОТЛАР ТАЛАБИ



Х. ХАСАНОВ,  
Пешку туман прокурори,  
1-даражали юрист

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва фермер хўжаликларини ривожлантириш — мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг тўб мазмунини ташкил этади.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг бу тизимида улкан ишлар амалга оширилди.

Энг муҳими, ҳўқуқимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликларининг фаолиятига юксак ишонч билдирилмоқда. Лекин ана шу ишонч қай даражада оқланмоқда, бу борада мавжуд қонунларга риоя этиш аҳволи қандай?

Пешку тумани прокуратураси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ердан унумли фойдаланиш ва хўжаликлар билан контрактация шартномалари тузишда қонунларга риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилганда бир қатор хато ва кам-чиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар айрим шахсларнинг ишга лоқайд муносабати, сансалорлик, қонуний меъёрларни билмаслик, баъзан эса ўзбошимчилик билан иш юритиш оқибатида келиб чиқаётганлиги маълум бўлди.

Хусусан, 2001 йил пахта ҳосили учун ер майдонлари мутахассислар иштирокида қайта ўлчовдан ўтказилганда, тумандаги айрим фермер хўжаликлари томонидан ўзбошимчилик билан пахта экиш учун мўлжалланган ер майдонларига бошқоқ дон экинлари экилганлиги аниқланди.

Мисол учун тумандаги «Боғи Мусо» ширкат хўжалиги худудидаги «Оқ олтин» фермер хўжалиги томонидан 67 гектар ерга пахта экиш режалаштирилган бўлиб, бу тўғрисида тайёрлов идоралари билан контрактация шартномаси тузилган ва аванс пуллари олинган бўлишига қарамайдан, 15 га. ер майдонига ўзбошимчилик билан бугдой экиб юборилган. Бундай ўзбошимчилик учун хўжалик раҳбари Р.Ҷўлиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаси билан маъмурий ҳўқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Шу билан бирга, туманда «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»-ги Қонун ижроси текширилганда,

2000 йилда оилавий пудрат асосида ижарага берилган 347 гектар боғ учун тўланиши керак бўлган 584,6 минг сўм пул текшириш кўнига қадар ундириш олинмаганлиги аниқланган.

Тумандаги Ш.Эргашев номли ширкат хўжалиги томонидан 2000 йил январь ойида тузилган боғ ва тоқзорларни ижарага бериш тўғрисидаги шартномага асосан фуқаро А.Наврўзовга 2,5 гектар майдондаги узузмор ерлари бир йил муддатга ижара берилган.

Шундай бўлсада, белгиланган ижара ҳақининг 112 минг сўми тўланмасдан келган. Мазкур ҳолат юзасидан Фуқаролик кодексининг 544-моддаси талабига кўра, шартномада белгиланган суммани ширкат хўжалиги фойдасига ундириш учун Ғиждувон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Шу билан бирга туман прокуратурасининг аралашуvidан сўнг 8 нафар ижарачилар томонидан 627 минг сўмлик ижара ҳақи ихтиёрий равишда тўланишига эришилди.

Кейинги пайтларда фуқароларнинг прокуратура идораларига бўлган ишончи ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бундай ишончнинг ортиб бориши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга замин яратди. Тумандаги «Раҳматбобо» фермер хўжалиги раҳбари С.Холназаров туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, «Ибн Сино» ширкат хўжалиги бошқаруви томонидан унинг фермер хўжалигига тегишли бўлган 3 гектар ер майдони асоссиз равишда эгаллаб олиниб, бугдой экилганлиги ва уни қайтариб олишда амалий ёрдам беришни сўраган. Ушбу ариза ўрганиб чиқилганда, фермернинг даъволари тасдиқланди ва туман прокуратурасининг аралашуvidан билан ер майдони эгасига қайтариб берилди.

Тумандаги «Эгам Наврўз» фермер хўжалиги раҳбари О.Наврўзов туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиб, фермер хўжалигига туман ҳокими қарори билан ажратилган 10 гектар ер майдони тўлиқ берилмаганлигини билдирган.

Текширишда, «Эгам Наврўз» фермер хўжалиги фойдаланиш келаётган ер майдони мутахассислар иштирокида ўлчаб чиқилганда, фермер хўжалигининг ер майдони 9,67 гектарни ташкил қилиб, туман ҳокимининг қарори билан ажратилган майдондан 0,33 гектар камлиги аниқланди. Прокуратура аралашуvidан сўнг ушбу фермер хўжалигига етиш-майдонга 0,33 гектар экин майдони ажратиб берилди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, фуқароларимизнинг ҳўқуқий онги янада ошиб, уларда ўз ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кўнкамаси шаклланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳўқуқий демократик жамият қуришининг зарурий шартларидан биридир.



## ЭКОЛОГИЯ — ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА

Шуни эътироф этиш жоизки, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси сувдан, ердан унумли фойдаланиш, вилоят атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекциялари фаолиятида қатор қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Жумладан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ўтказилган текширишларда қатъийлик, назорат, таъсирчанлик деярли сезилмапти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 554-сонли қарори ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бунини тасдиқлайди.

Ушбу қарор ижроси Файзулла Хўжаев тумани худудида жойлашган 17 та давлат ва нодавлат корхоналарида ўрганилганда, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси худудида ифлослантирувчи воситаларни ортқича чиқариб ташлагани учун бюджет тўлов тартиби тўғрисида»-ги Низомга асосан 1,2 коэффициент тўлов суммалари қўлланилганлиги, бироқ улар текшириш ўтказилган кўнга қадар ундирилмаганлиги аниқланди. Қўрилган прокурорлик таъсир чоралари туфайли «Бухоропахтаозалаш» ҳиссадорлик жамияти, «Бухороқурилиш», Бухоро автомобил йўлиларидан фойдаланиш бошқармаси, вилоят «Сувқоава ишлаб чиқариш» корхонаси сингари 17 та корхона

кетаяпти. Мазкур қонун асосида ишчи ташкил этишда лоқайдлик, ўзибўларчиликларни кўриб, ранжийсан киши.

Ўсимлик дунёсини инсон ҳаётини безайди. Табиат қўнига чиққанда дилингиз яйрайди. Кўзингиз яшнаб кетади. Дов-дарахтлар, яшиллик, боғ-роғлар ажиб кайфият бағишлайди. Бу — табиат мўъжизаси, инъоми. Уни фақат асрашимиз, авайлашимиз лозим. Бироқ Жондор тумани худудида жойлашган ўрмон хўжалигида бошқача манзарага дуч келасиз. Унда қалбнинг сўзсиз озор чекади.

М.Торобий номли ширкат хўжалигининг «Баҳористон» қишлоғида истикомат қилувчи Тоҳиддин Раззоқов ҳам бир талай майда моллари билан ўрмон хўжалигига 22,5 минг сўмлик зарар етказган. Бу зарар ҳам далолатнома асосида айбдордан ундирилган. Бироқ, ҳар иккала ҳолатда ҳам фуқароларнинг маъмурий жавобгарлиги масаласи очик қолган. Текширишларда туман табиатни муҳофаза қилиш инспекциясини маъмурий ҳўқуқбузарликка доир ишларни кўришда бир қатор қонун талабларига амал қилмаганлиги маълум бўлди.

Вахонки, маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга аввало МЖТКнинг 294-моддасида кўрсатилган ҳўқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим. Шунинг-

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



**10** Истиқлолинг мангу бўлсин, Ўзбекистоним!


«КЎКЧА НОН» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

### «КАРВОН БОЗОР»

ҳиссадорлик жамияти  
Ўзбекистон Республикаси  
мустакиллигининг 10 йиллиги  
билан барча ватандошларимизни  
қизгин қутлайди.

### «ЎЗБЕК ИПАГИ»

КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ  
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ  
10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА  
МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙУЛИДАГИ  
ИШЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙДИ.



## MICA PULS — СОҒЛИК ТАРОВИ

Президентимизнинг 1999 йил январь ойида «Тиббиётни қайта ислоҳ қилиш тўғрисида» чиқарган фармонидан сўнг республикада тиббий соҳадаги самарали ўзгаришлар ўз мевасини бера бошлагани қувонарли ҳолдир. Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деб бежиз айтилмаган. Кейинги йилларда республикада хусусий даволаш клиникаларининг очилишига кенг имкониятлар яратилди.

Юрт манфаати йўлида халққа беминнат хизмат кўрсатаётган фидойи инсонлар кўпчилигини ташкил қилади. Фикримиз далили сифатида MICA PULS хусусий даволаш клиникаси ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Ушбу клиника республикада очилган ички касалликларни даволаш хусусий клиникасидир.

Тиббиёт фанлари номзоди доцент Ғофуржон Тиллабоев раҳбарлигидаги ушбу клиника ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари, ошқозон ости безлари касалликлари, асаб, юрак-қон томирлари, нафас йўллари касалликларини даволашга ихтисослашган бўлиб, мижозларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Ташхис марказида малакали врачлар кардиолог, невропатолог, уролог, гистроэндролог, нефролог каби мутахассислар ўз билимларини халқ соғлиғи учун бахш этмоқдалар. Поликлиникада ўрта ҳисобда кунига 50 га яқин бемор кўрилади ва шунга яраша бу ерда ётиб даволанишга шарт-шароитлар мухайё этилган.



Электрокардиография, электроэнцефалография, колонфиброскопия, рентген таъхислари, ультра товуш диагностикаси, биохимик ва клиник ошқозон-суюқлигини текшириш ва бошқа усуллар билан даволаш кенг йўлга қўйилган. Замон талабларига тўла жавоб бера оладиган ушбу клиникада 32 та малакали ходим эл хизматида. Шулардан 10 таси юқори малакали врачлар бўлиб, улардан 2 таси фан номзоди, 2 таси профессор маслаҳатчи, ҳамшира ва техник ходимлардир. Шарқ табobati даволаш усуллари бўйича эса Хитойдан малакали табиблар таклиф этилган. Клиниканинг келгусидаги режалари талайгина. Хусусан, физиотерапия хоналарини кенгайтириш, игна билан даволаш ишларини такомиллаштириш, келгусида кам таъминланган ва кўп

**MICA PULS**  
KLINIKASI  
TIBBIY DIAGNOSTIKA MARKAZI VA SHIFI HONA

болали оилаларга бепул ёрдам кўрсатиш шулар жумласидандир.

Mica puls клиникаси жамоаси Ўзбекистон халқини истиқлолимизнинг 10 йиллиги билан табриклайди, халқимизга соғлиқ, тинчлик ва бахт тилайди.

Mica puls клиникаси — бу соғлигингиз гаровидир.

Манзилгоҳ:

Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 52-уй.

Тел: 79-29-25, 79-72-49, 79-37-64.



РЕКЛАМА

Энг азиз, энг улуг  
байрамимиз —  
мустақилликнинг 10 йиллиги  
билан барча  
ҳамюртларимизни  
табриклаймиз. Юртимиздан  
хотиржамлик, файзу  
барака аримасин,  
азизлар!

«ЭЛЕКТРОҚИШЛОҚҚУРИЛИШ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

РЕКЛАМА



А.ЗОКИРОВ  
хусусий корхо-  
наси жамоаси  
мамлакатимиз  
аҳлини муста-  
қилликнинг 10  
йиллиги билан  
самимий таб-  
риклайди ва  
юртдошлари-  
мизга тинчлик-  
хотиржамлик,  
хонадонларига  
осойишталик  
тилайди.



Мустақиллик  
байрамингиз  
муборак бўлсин!

«ЕНГИЛСАНОАТИМПЕКС»

«Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак», деган фикрни шиор қилиб олган «Кува дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида корхонанинг кам таъминланган ишчиларига доимо ёрдам кўрсатиш, байрамларда хайрия тadbирларини уюштириш анъанага айланган. Жумладан, корхона ўтган Наврўз айёмида 36 нафар болага хатна тўйи қилиб берди. Уларнинг ҳар бирига кийим-бош совға қилиниб, банкда 10 минг сўмлик ҳисоб рақами очилди. Уша куни байрам дастурхонига барча ишчи-хизматчилар таклиф қилинди. Кеча сўнгда корхона меҳнаткашларига озиқ-овқат маҳсулотлари бепул улашилди. Яқинда «Кува дон маҳсулотлари»да яна бир йирик тadbир ўтказилди. Бу гал корхонанинг нафақа ёшига етган бир гуруҳ ишчилари хурмат-иззат билан нафақага кузатилди. Республикаимиз мустақиллигининг 10 йиллигига қизгин тайёргарлик кўраётган корхона яна бир хайри тadbир ўтказишни мўлжаллаган. Яъни корхонада байрам арафасида кам таъминланган бир гуруҳ ишчи-хизматчилар фарзандларининг хатна тўйи ўтказилади. Бундай савоб ишларга корхона раҳбарияти доимо бош-қош бўлиб келмоқда.

Мустақиллик  
байрамингиз билан,  
азизлар!



«НОҲ НЕЪМАТ»  
КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ  
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ  
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА  
БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА  
РИВОЖЛАР ТИЛАЙДИ.

## ФУТБОЛ



# ЧИРОЙЛИ ГОЛ ЁДДА ҚОЛДИ

Ўтган hafta футбол бўйича республика прокуратура идоралари ходимлари ўртасида «Қонун ҳимоячиси» соврини учун ўтказилаётган мусобақаларнинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Аввало уларнинг голларга бой бўлганини таъкидлаш керак. Дастлаб Республика прокуратураси Марказий маҳкамаси жамоаси Хоразм вилояти жамоасига қарши майдонга тушди. Хоразмликларнинг самарқандликларга қарши ўйинидаги жишюатини кўриб, ярим финал қизиқарли кечишини тахмин қилган эдик. Ўйин ҳақиқатдан ҳам қизиқ бўлди. Хоразмликларнинг 0 : 6 ҳисобидаги мағлубияти уларнинг сустан кўрсатганлиги билан эмас, Марказий маҳкама йигитларининг маҳорати, жипслиги, керак бўлганда масъулиятни ўзига ола билиши, асосийси, мақсад сари охиригача кураш олиб борганлиги билан изоҳланади. Айниқса, Марказий маҳкама жамоасининг 3-ра-

камли ўйинчиси Олим Оқилоннинг жари-ма тўпини Миржалол Қосимов услубида дарвозанинг юқори ўнг бурчагига санъаткорона жойлаб қўйганлигини томошабинлар қатори хоразмликлар ҳам узоқ вақт эслаб юрсалар, ажабмас.

Иккинчи ярим финал ўйинида сурхондарёликлар Тошкент вилояти жамоасини 4 : 1 ҳисобида мағлуб этишди. Шу ўринда кичик тузатиш бермоқчимиз. Тошкентликлар чорак финалда Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси жамоасини ўтган сонда ёзганимиздек, 5:1 эмас, 3:1 ҳисобида ютишган.

Бугун соат 16:00 да Хоразм-Тошкент вилояти жамоалари 3-ўрин учун майдонга тушсалар, соат 18:00 да бошланадиган финал ўйинида Марказий маҳкама - Сурхондарё жамоалари баҳслашадилар ва унда «Қонун ҳимоячиси» совринининг илк соҳиби маълум бўлади.

(Ўз мухбиримиз.)

## ШОВ-ШУВ

## ЗИДАН ЭНДИ «ИСПАНИЯЛИК»


Бундан анча вақт илгари жаҳон ва Европа чемпиони Зайниддин Зиданнинг «Ювентус» (Турин)дан қандайдир испан клубига ўтиши ҳақида миш-миш тарқалган эди. Бунни қарангки, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламас экан. Бир ой олдин жаҳон оммавий ахборот воситалари «Реал» (Мадрид) Зиданни «Ювентус»дан 65-70 миллион доллар (аниқ маълумот айтилмапти) эвазига сотиб олганлиги ҳақида хабар тарқатдилар. Бу футболчилар трансфери соҳасидаги янги жаҳон рекордидир.

Шундай қилиб июлнинг 9-куни «Реал»нинг фахрий президенти Ди Стефано ўнлаб телекамералар қаршисида Зиданга клубнинг 5-рақамли футболчасини топширди. «Бу мен учун шарафли» деди дунёнинг энг қиммат футболчиси ўзига хос камтарлик билан. Эндиликда унинг қўлга оладиган маоши, турли манбаларга кўра, йилига 5,6 - 7,2 миллион долларни ташкил этади. Қўлга оладиган деб беқорга таъкидламаямиз, негаки унинг учун солиқларни тўлашни клуб ўз зиммасига олган. Маъданли сув, автомобиллар, кабелли TV рекламасидан ҳам Зидан яна шунча пул ишлайди.

Пул пулни топади деганларидек, таништирув маросимидан кейинроқ «Реал» сарфланган маблағни қайтариш ҳаракатига тушди. «ZIDANE» деб ёзилган клубнинг 5-рақамли футболчалари сотувга чиқарилди. Улар қийматига нисбатан фоят қиммат нархда - 80 доллардан қайноқ сомса каби тез сотилиб кетди. Клуб бундай майкалардан 500 мингтасини сотишни мўлжалламоқда. Зиданнинг бир-гина таништирув маросимини кўрсатиш ҳужуқини олиш учун кабелли TV «Реал»га 1 миллион доллар тўлади. Эндиги мавсумда «Реал»нинг ўйинини бевосита стадионда кўриш учун абонент сотиб олувчилар узундан-узоқ навбатга туриш-япти: дунёга машҳур Зидан, Фигу, Раулларнинг биргаликдаги ўйинини кўриш завоқи қандай бўлишини улардан сўранг...



## КРОССВОРД



ЭНИГА: 1. Римнинг қадимий номи. 3. Эрта тонг. 7. Вақт бирлиги. 8. Қош. 10. Осиёдаги ярим орол. 13. Худу йўлига ўзини башлида қилган шахс. 14. Таянч вазифасини бажарувчи мослама. 15. Фразеологик бирлик. 18. 2000 йилда Олимпияда ўтказилган шахар. 19. Грузиядаги курорт шахар. 20. Денгиз. 21. Алгебранинг қадимги аталishi. 24. Қувайт пул бирлиги. 25. Икитортдан иборат чолғуасоби. 26. Қўлқисми. 31. Баҳор элчиси бўлган қўш. 33. Қон томири. 34. Йимоннинг ярми. 35. Саноксон. 36. Қирра.

БҲИГА: 3. Мансаб, лавозим. 2. Шарқфосоналаридаги қўш худоси. 3. Аллоҳнинг исмларидан бири. 4. Қамқос. 5.

Бирон бир маросим тўғрисида кўтлов. 6. Турар жой. 7. Мисра. 9. Хон қароргоҳи. 11. Аҳолиси кўпчилиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи мамлакат. 12. «Падарқўш» номини олган тарихий шахс. 16. 2004 йилда Олимпия ўйинлари ўтказилиши мўлжалланган шахар. 17. Бош қийим. 22. Муқаддас ер. 23. «Чолиқўши» асаридagi бош қаҳрамонлардан бирининг исми. 24. Қамарий тақвим ойларидан бири. 27. Математик термин. 28. Қаноти бор, учмайди. 29. Ёзувчи. 30. Юзнинг бир қисми. 32. Олий ҳакам.


Тузувчи:  
М. АҚБАРОВА

## ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР

### ХАЛОСКОР КИЛЛЕР

Майамида яшовчи бир киши ўзидан қарздор бўлган, лекин қарзини тўлашдан бош тортган кишини жисмонан йўқотиш мақсадида қотил (киллер) ёллайди. Тасодифи қарангки, у қотил қарздорнинг бўйни йўгон ўтиларида бири экан.

Киллер Леонардо Пулидо Хосе Сосадан буюртма олар экан, куни битиш керак бўлган шўрлик қарздор ўз отаси бўлиб чиққанида буюртмачини бир ёқлик қилиб қўя қолишдан ўзини зўрга тийди. Совуққон киллер бу сафар қонуний йўл тутди: буюртмачи Хосе Сосага сездирмай бу суиқасддан полицияни бохабар қилади. Шу билан суиқасд фаш этилиб, буюртмачи қамқосқа олинди.



Мўъжизалар яратар қўллар...

## УЛАР ҲАМ

### ЎЗИМИЗ ҚАТОРИ...

Сўнгги ўн йил ичида АҚШда инглиз тилида сўзлашолмайдиган ёки жуда ёмон сўзлашувчи кишилар сони ортиб бормоқда. Айни пайтда бу тоифа америкаликлар сони 10,5 миллион кишини ташкил этади. Бу маълумотни ОАВ да берилган 2000 йилда АҚШда ўтказилган умумхалқ рўйхатга олиш тадбиридан кейинги хулосалар ҳам тасдиқлаган эди. Инглиз тилини билмайдиган АҚШ фуқаролари асосан муҳожирилар бўлиб, уларнинг сони кейинги йилларда 3,5 миллионга етди. «Тил билмас» америкаликларнинг ўнчадан биттаси Калифорния штатида истиқомат қилар экан. Калифорнияликларнинг ўнчадан биттаси инглиз тилини «ўзимиз қатори» билар экан. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, пойтахт Вашингтон ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг 250 мингдан зиёдроғи инглиз тилида «HELLO», «O'KEY»дан нарёғига ўтолмас экан. Хулоса қилиб айтганда, биз давлат тили - ўзбек тилини ҳамон «ўргана олмаётган» юртдошларимиздан унча хафа бўлмасак ҳам бўлар экан.